

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
08.05.2001 й.
№ 207

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР
ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАЛАРИ,
КОНСУЛЛИК МУАССАСАЛАРИНИНГ, ҲАЛҚАРО
ТАШКИЛОТЛАР ВАКОЛАТХОНАЛАРИНИНГ
ҲАМДА УЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Мазкур Қарорга куйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎзР ВМ 26.07.2002 й. 268-сон Қарори,
ЎзР ВМ 11.12.2003 й. 543-сон Қарори,
ЎзР ВМ 23.10.2018 й. 859-сон Қарори,
ЎзР ВМ 09.07.2019 й. 568-сон Қарори

1-илова. Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисида Низом

Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасаларининг, халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг ва улар ходимларининг фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Куйидагилар:

Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари ўзларининг идоравий норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 апрелдаги 146-сон қарори 6-бандининг иккинчи хатбоши ва 1995 йил ноябрдаги 436-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Ҳ. Комилов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. Каримов

**Хорижий давлатларнинг
Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик
ваколатхоналари ва консуллик
муассасалари тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низомга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎзР ВМ 23.10.2018 й. 859-сон Қарори,
ЎзР ВМ 09.07.2019 й. 568-сон Қарори

- I. Умумий қоидалар
- II. Дипломатик ваколатхоналар
- III. Дипломатик ваколатхонага, дипломатик персонал бошлиқлари ва аъзоларига бериладиган дахлсизлик ҳуқуқлари ва имтиёзлар
- IV. Консуллик муассасалари
- V. Консулликнинг мансабдор шахсларига ва консуллик муассасаларининг бошқа ходимларига бериладиган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари
- VI. Қўшимча қоидалар

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхонаси (элчихонаси ва миссия) га (кейинги ўринларда "дипломатик ваколатхона" деб аталади), хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасаси (бош консулиги, вице-консулиги ёки консуллик агентлиги) га (кейинги ўринларда "консуллик муассасаси" деб аталади) хорижий давлатнинг органлари сифатида, дипломатик ваколатхоналар ходимларга ва консуллик муассасалари ходимларига уларнинг функцияларини амалга оширишлари учун ушбу Низомда назарда тутилган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари берилади, улар дипломатик алоқалар тўғрисида 1961 йил 18 апрелдаги Вена конвенциясига ҳамда консуллик алоқалари тўғрисида 1963 йил 24 апрелдаги Вена конвенциясига, халқаро урф-одатларга, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланади.

1.2. Низомда назарда тутилган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари бериладиган дипломатик ваколатхоналар ходимлари ва консуллик муассасалари ходимлари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва қоидаларини, унинг халқи маданияти, анъаналари ва урф-одатларини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

1.3. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Низомдагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

1.4. Низомда назарда тутилган қоидалар ўзаро дўстлик принциpidан келиб чиққан ҳолда, алоҳида хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарига ва консуллик муассасаларига, шунингдек уларнинг ходимларига нисбатан қўлланиши мумкин.

1.5. Ушбу Низом мақсадлари учун фойдаланиладиган атамалар уларнинг дипломатик ваколатхоналар тўғрисида 1961 йил 18 апрелдаги Вена конвенцияси ва консуллик алоқалари тўғрисида 1963 йил 24 апрелдаги Вена конвенцияси билан белгиланадиган маъноларига мувофиқ ишлатилади.

II. ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАЛАР

2.1. Дипломатик ваколатхоналар республика давлат органлари ва муассасалари билан расмий муносабатларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали ўрнатадилар ва амалга оширадилар.

2.2. Дипломатик ваколатхонанинг:

1) элчилар, нунцийлар, вакиллар, интернунцийлар даражасидаги бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида;

2) ишончли вакиллар даражасидаги бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинади.

Дипломатик ваколатхоналар бошлиқларининг қайси классга мансублиги тегишли давлатлар ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида белгиланади.

2.3. Дипломатик ваколатхона бошлиғи ёки дипломатик персоналнинг исталган аъзоси аккредитация қилинувчи давлат томонидан бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати олдидан хабардор қилган ҳолда бошқа давлатда ёки давлатларда аккредитация қилиниши мумкин.

2.4. Дипломатик ваколатхона Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини:

1) дипломатик ваколатхона ходимларининг тайинланганлиги, уларнинг келиши ва кетиши ёки уларнинг дипломатик ваколатхонадаги фаолияти тўхтатилганлиги тўғрисида;

2) дипломатик ваколатхона ходими оиласига мансуб шахснинг келиши ва узил-кесил кетиши тўғрисида;

3) дипломатик ваколатхона ходимлари уй хизматчиларнинг келиши ва узил-кесил кетиши тўғрисида;

4) Ўзбекистонда яшовчи шахслар дипломатик ваколатхона ходимлари ёки имтиёзларга ва дахлсизлик ҳуқуқларига эга бўлган уй хизматчилари сифатида ёлланганлиги ва ишдан бўшатирилганлиги тўғрисида;

5) дипломатик ваколатхонани ва ваколатхона бошлиғи қароргоҳини жойлаштириш учун кўчмас мулкни сотиб олиш ёки ижарага олиш нияти тўғрисида;

6) ваколатхона дипломатик ходимларининг яшаш жойи тўғрисида олдидан хабардор қилади.

2.5. Аккредитация қилинувчи давлат Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати розилигисиз республиканинг бошқа аҳоли пунктларида дипломатик ваколатхонанинг таркибий қисми бўлган канцелярия таъсис этиши мумкин эмас.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик корпусга хизмат кўрсатиш бюроси дипломатик ваколатхонага ва унинг ходимларига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида зарур кўчмас мулкни сотиб олишда ва ижарага олишда кўмаклашади, шунингдек хусусий шахслардан биноларни ижарага олишда воситачилик қилади. (ЎзР ВМ 23.10.2018 й. 859-сон Қарори таҳриридаги банд)

III. ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАГА, ДИПЛОМАТИК ПЕРСОНАЛ БОШЛИҚЛАРИ ВА АЪЗОЛАРИГА БЕРИЛАДИГАН ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАР

3.1. Дипломатик ваколатхоналар ва дипломатик ваколатхоналар бошлиқларининг хусусий қароргоҳлари биноси, шунингдек, дипломатик ваколатхоналар аъзоларининг уй-жойлари дахлсиз ҳисобланади. Дипломатик ваколатхонани ва хусусий қароргоҳни қўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тақдимномасига биноан шартнома асосида қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига қўриқлашга ишониб топширилаётган дипломатик ваколатхоналар ва қароргоҳларнинг техник мустаҳкамлиги Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши керак. (ЎзР ВМ 09.07.2019 й. 568-сон Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

Дипломатик ваколатхона, унинг фаолияти дипломатик ваколатхонанинг мутлақо ички ишлари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бўлган тақдирда, ички қўриқлашни ташкил этиши мумкин.

Дипломатик ваколатхоналар ва дипломатик ваколатхоналар бошлиқларининг хусусий қароргоҳлари биноларига, шунингдек дипломатик ваколатхоналар аъзоларининг уй-жойларига фақат тегишли хорижий давлат дипломатик ваколатхонаси бошлиғининг розилиги мавжуд бўлгандагина кириш мумкин. Ушбу бинолар ва улардаги анжомлар, шунингдек дипломатик ваколатхонага тегишли ҳаракатланиш воситалари тинтиш, мусодара қилиш, реквизиция, ҳисобга олиш ва бошқа мажбурий хатти-ҳаракатлардан дахлсиздир.

Мазкур бинолар ва ҳаракатланиш воситаларидан дипломатик ваколатхона функцияларидан бошқа мақсадларда фойдаланилмаслиги керак.

3.2. Дипломатик ваколатхоналар ва дипломатик ваколатхона бошлиғи дипломатик ваколатхоналар, шу жумладан дипломатик ваколатхоналар бошлиқларининг қароргоҳлари биноларига аккредитация қилинувчи давлатнинг Давлат байроғини ва Давлат гербини ўрнатиш ҳуқуқига эга.

3.3. Дипломатик ваколатхона ўз ҳукумати билан, ўз давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги бошқа ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек ўз давлатининг учинчи давлатлардаги бошқа ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан одатдаги алоқа воситалари, кодлаштирилган ва шифрланган хабарлар, шунингдек дипломатик почта (кейинги ўринларда диппочта деб аталади) воситасида тўсиқсиз алоқа боғлаши мумкин.

Дипломатик ваколатхоналар симсиз хабар узатгичлар ўрнатиши ва улардан фақат Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари рухсати билангина фойдаланиши мумкин.

3.4. Дипломатик ваколатхонанинг архивлари, ҳужжатлари ва расмий хат-хабарлари исталган вақтда, улар жойлашган жойдан қатъи назар, дахлсиздир.

3.5. Дипломатик почтани очиш ва ушлаб қолиш мумкин эмас. Дипломатик почтани ташкил этувчи барча ўринларда уларнинг характери кўрсатиб турувчи ташқи белгилар бўлиши керак ва уларда фақат расмий равишда фойдаланиш учун мўлжалланган дипломатик ҳужжатлар ва буюмлар бўлиши зарур.

3.6. Мақоми ва дипломатик почтадаги ўринлар сони кўрсатилган расмий ҳужжат билан таъминланган дипломатик курьер (кейинги ўринларда дипломатик курьер деб аталади) ўз вазифаларини бажараётган Ўзбекистон Республикаси ҳимоясидан фойдаланади. У шахсий дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади ва бирор-бир шаклда ҳибсга олинмайди ёки ушлаб қолинмайди.

Давлат ҳокимиятининг ваколатли органлари дипломатик курьерларга хизмат вазифаларини бажаришда мумкин бўлган даражада кўмаклашади ва уларни ҳимоя қилади.

3.7. 3.6.-банд қоидалари дипломатик почтани бир марта ташиш учун тайинланган вақтинчалик курьерларга (ad hoc дипломатик курьерларга) нисбатан ҳам қўлланади, улардаги эслатиб ўтилган дахлсизлик ҳуқуқлари бундай курьер томонидан унга юкланган дипломатик почта белгиланган жойга етказиб берилган вақтда тўхтатилади.

Дипломатик почта хорижий давлат билан тузилган махсус битим асосида, курьер кузатувчисиз, одатдаги алоқа канали бўйича жўнатилиши ёки фуқаро самолётининг дипломатик курьер ҳисобланмайдиган командирига ишониб топширилиши мумкин. Дипломатик ваколатхона Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ махсус рухсатнома асосида ўз ходимини дипломатик почтани бевосита самолёт командиридан қабул қилиб олиш учун юбориш мумкин.

3.8. Ўзининг расмий вазифаларини бажараётганда дипломатик ваколатхона томонидан ундириладиган ҳақ ва йиғимлар барча солиқлар, йиғимлар ва божлардан озод қилинади.

3.9. Дипломатик ваколатхоналар бошлиқлари хусусий ёки ижарага олинган дипломатик ваколатхона биноларига нисбатан барча солиқлар, йиғимлар ва божлардан озод қилинадилар, хизмат кўрсатишнинг муайян турлари, шу жумладан бинони ижарага олиш учун тўловдан иборат солиқлар, йиғимлар ва божлар бундан мустасно.

3.10. Дипломатик ваколатхона бошлиғи ва дипломатик персонал аъзолари барча солиқлар, йиғимлар ва божлардан озод қилинади, бундан қуйидагилар мустасно:

1) одатда товарлар ёки хизматлар кўрсатиш нархига қўшиладиган солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, божхона божлари);

2) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жисмоний шахслар мулкидан йиғимлар ва солиқлар, агар у мулкка аккредитация қилинувчи давлат номидан ваколатхона мақсадлари учун эгалик қилмаса;

3) меросдан давлат божлари;

4) манбаи Ўзбекистон Республикасида бўлган даромаддан йиғимлар ва солиқлар, Ўзбекистон Республикасидаги тижорат корхоналарига капитал қўйилмалардан солиқлар;

5) хизматлар кўрсатишнинг муайян турларидан ундириладиган йиғимлар;

6) мулкни рўйхатдан ўтказиш, суд ва реестр божлари.

3.11. Дипломатик ваколатхона расмий фойдаланиш учун мўлжалланган товарларни, дипломатик ваколатхона бошлиғи ва дипломатик ваколатхонанинг дипломатик персонали аъзолари эса-уларнинг шахсан фойдаланиши учун мўлжалланган буюмларни, шу жумладан дастлабки жойлашиб олиш учун зарур бўлган товарларни олиб кириши ва олиб чиқиб кетишлари мумкин.

Дипломатик ваколатхонанинг расмий фойдаланиши учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек дипломатик ваколатхона бошлиғининг ва дипломатик ваколатхонанинг дипломатик персонали аъзоларининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган товарлар, буюмларни божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг белгиланган тартибига риоя этилган тақдирда, барча божхона божлари, солиқлар ва йиғимлардан озод қилинади, буюмларни сақлаш, белгиланган жойлардан ташқарида ёки божхона расмийлаштириши учун тўловлар бундан мустасно.

3.12. Дипломатик ваколатхона бошлиғининг ва дипломатик персонал аъзоларининг шахсий багажи кўриқдан ўтказишдан озод қилинади, багада олиб кирилиши ва олиб чиқиб кетилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланган товарлар борлигига асослар бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бундай кўриқдан ўтказиш фақат багаж эгаларининг ёки уларнинг ваколатли вакили иштирокида амалга оширилиши керак.

3.13. Дипломатик ваколатхона бошлиғи ва дипломатик персонал аъзолари шахсий дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланадилар ҳамда тинтув қилиниши ёки ҳибсга олиниши, ёки бирор-бир шаклда ушлаб турилиши мумкин эмас.

3.14. Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналар ходимларининг ўз чегаралари доирасида эркин юришини таъминлайди, махсус рұхсатнома асосида киритиладиган зоналар бундан мустасно.

3.15. Дипломатик ваколатхона бошлиғи ва дипломатик персонал аъзолари Ўзбекистон Республикасининг жиной, фуқаролик ва маъмурий юрисдикциясидан дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланадилар, бироқ ушбу шахслар бунга аккредитация қилинувчи давлатнинг аниқ ифодаланган розилиги бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига тегишли бўладилар.

Фуқаролик юрисдикциясидан дахлсизлик ҳуқуқи дипломатик ваколатхона бошлиғи ва дипломатик ваколатхонанинг дипломатик персонали аъзолари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги уларга тегишли кўчмас мулк, мерос тўғрисидаги даъво муносабати билан, шунингдек улар томонидан хизмат вазифаларидан ташқарида амалга ошириладиган касбий ёки тижорат фаолиятдан келиб чиқадиган даъволар муносабати билан хусусий шахс сифатида кирадиган ҳолатларга татбиқ этилмайди.

Дипломатик ваколатхона бошлиғи ва дипломатик ваколатхона аъзолари гувоҳномалар сифатида кўрсатма беришга мажбур эмас, бундай кўрсатмалар беришга рози бўлишганда эса улар бунинг учун суд ёки тергов органларига келишга мажбур эмас.

3.16. Ушбу Низомнинг 3.8, 3.9, 3.11, 3.12 ва 3.13-бандларида назарда тутилган дахлсизлик ҳуқуқлари ва имтиёзлар дипломатик ваколатхона бошлиғи, дипломатик

персонал аъзоларининг улар билан бирга яшайдиган оила аъзоларига, агар оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаса, татбиқ этилади.

3.17. Дипломатик ваколатхонанинг маъмурий-техник персонали аъзолари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаса ёки Ўзбекистонда доимий яшамаса, 3.1, 3.8, 3.9, 3.10, 3.11-бандларда (3.11-бандда кўрсатилган имтиёзларнинг дастлабки жойлашиб олиш учун мўлжалланган товарларга нисбатан қўлланишини истисно қилган ҳолда), 3.13 ва 3.15-бандларда (Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ва маъмурий юрисдикциясидан дахлсизлик ҳуқуқининг фақат хизмат вазибаларини бажараётган маъмурий-техник персонал ходимлари томонидан содир этилган хатти-ҳаракатларгагина татбиқ қилиниши истисно қилган ҳолда) назарда тутилган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Хизмат кўрсатувчи персоналнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган аъзолари улар томонидан ўз хизмат вазибаларини бажараётган содир этилган хатти-ҳаракатларга нисбатан дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда ўз хизмати бўйича олишадиган иш ҳақи юзасидан солиқлар, йиғимлар ва божлардан озод қилинадилар. Бундай шахсларга, шунингдек, ҳар бир хорижий давлат билан тузилган махсус битим асосида ва улар билан ўзаро дўстлик принциpidан келиб чиққан ҳолда божхона имтиёзлари ҳам берилиши мумкин.

3.18. Хорижий давлатнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит бўйича ўтадиган учинчи давлатдаги дипломатик ваколатхонаси бошлиғи, дипломатик ваколатхонанинг дипломатик персонали аъзолари шахсий дахлсизлик ҳуқуқидан ва уларнинг ўтишини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Ушбу қоида уларнинг имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланишадиган оила аъзоларига, шунингдек уларни кузатиб борувчи ёки уларга кўшилиш ёки ўз давлатига қайтиш учун алоҳида жўнайдиган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

3.19. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит бўйича ўтаётган дипломатик курьерларга ҳам Ўзбекистон Республикасига келаётган дипломатик курьерларга каби дахлсизлик ҳуқуқи берилади ва ҳимоя қилинади.

IV. КОНСУЛЛИК МУАССАСАЛАРИ

4.1. Консуллик муассасаси ўз функцияларини консуллик округи доирасида бажаради.

Консуллик муассасасининг жойлашган жойи, класс ва унинг консуллик округи чегараси Ўзбекистон Республикаси ва тегишли хорижий давлат ўртасидаги битим билан белгиланади.

4.2. Хорижий давлат томонидан тайинланган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири томонидан қабул қилинган бош консул, вице-консул ва консуллик агенти консуллик муассасасининг бошлиғи ҳисобланади.

4.3. Консуллик муассасаси бошлиғи унга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан консуллик экзекватураси берилгандан кейин ўз вазибаларини бажаришга киришиши мумкин.

4.4. Консул лавозимидаги шахс алоҳида ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг розилиги билан ўз функцияларини ўз консуллик округи ташқарисида бажариши мумкин.

4.5. Консуллик муассасаси бинолари дахлсиз ҳисобланади. Ушбу биноларга фақат тегишли хорижий давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассаси бошлиғининг ёки дипломатик ваколатхонаси бошлиғининг розилиги билангина кириш мумкин. Шу билан бирга, ёнғин ёки зудлик билан ҳимоя чораларини талаб қиладиган бошқа табиий офатлар рўй берганда консуллик муассасаси бошлиғининг розилиги назарда тутилиши мумкин.

Консуллик муассасаси биноларининг дахлсизлиги улардан консуллик ваколатхонаси функцияларига тўғри келмайдиган мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқини бермайди.

4.6. Консуллик муассасаси биносига, шунингдек консуллик муассасаси бошлиғи қароргоҳига ва бу хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлганда консуллик муассасаси бошлиғи юрадиган транспорт воситаларига аккредитация қилинувчи давлатнинг Давлат байроғи осиб кўйилиши ва Давлат герби ўрнатилиши мумкин.

4.7. Ушбу Низомнинг 2.5, 2.6, 3.1-бандларида назарда тutilган дахлсизлик ҳуқуқлари ва имтиёзлар консуллик муассасасига нисбатан ҳам қўлланади.

4.8. Консуллик муассасасининг архивлари, ҳужжатлари ва расмий хат-хабарлари, уларнинг жойлашган ўрнидан қатъи назар, ҳар қандай вақтда дахлсиз ҳисобланади.

4.9. Консуллик муассасаси ўз ҳукумати билан, ўз давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхонаси ва консуллик муассасаси билан, шунингдек ўз давлатининг учинчи давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан ушбу Низомнинг 3.3-бандида назарда тutilган тартибда алоқа боғлаши мумкин.

4.10. Ушбу Низомнинг дипломатик почта ва дипломатик курьер тўғрисидаги 3.5 ва 3.6-бандларида назарда тutilган дахлсизлик ҳуқуқлари ва имтиёзлар консуллик вализасига ва консуллик курьерига нисбатан ҳам қўлланади. Консуллик вализасида расмий фойдаланиш учун мўлжалланган расмий хат-хабарлар, ҳужжатлар ва буюмлардан ташқари бошқа нарсалар бор деб ҳисоблаш учун жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари ваколатли органлар иштирокида консуллик вализасини очишни талаб қилишга ҳақлидир. Бундай талабни бажариш рад этилган тақдирда вализа жўнатувчига қайтариб юборилади.

V. КОНСУЛЛИКНИНГ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИГА ВА КОНСУЛЛИК МУАССАСАЛАРИНИНГ БОШҚА ХОДИМЛАРИГА БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛАР ВА ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. Консулликнинг мансабдор шахслари шахсий дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади ва ушлаб турилиши ёки ҳибсга олиниши мумкин эмас, оғир жиноят содир этганлик учун таъқиб қилиш ёки қонуний кучга кирган суд ҳукмини (қарорини) бажариш бундан мустасно.

5.2. Консулликнинг мансабдор шахслари ва консуллик хизматчилари улар консуллик функцияларини бажариш чоғида содир этадиган хатти-ҳаракатларга нисбатан фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг суд ёки маъмурий органлари юрисдикциясига кирмайдилар.

Мазкур дахлсизлик ҳуқуқи консуллик мансабдор шахслари томонидан тузилган, улар унинг бўйича ўзи вакили бўлган давлатнинг ёхуд учинчи томоннинг агенти сифатида Ўзбекистон Республикасида йўл-транспорт воситаси сабабчи бўлган бахтсиз ҳодиса етказган зарар учун ўз зиммасига бевосита ёки билвосита мажбуриятлар олишмаган шартномадан келиб чиқадиган фуқаролик даъвосига нисбатан қўлланмайди.

5.3. Консуллик муассасаси ходимлари суд ишларини ёки маъмурий ишларни олиб бориш чоғида гувоҳлар сифатида чиқарилиши мумкин.

5.3.1. Консуллик хизматчиси ёки хизмат кўрсатувчи персонал кўрсатма беришдан бош тортиши мумкин эмас, 5.3.3-кичик бандда қайд этилган ҳоллар бундан мустасно.

5.3.2. Консуллик мансабдор шахснинг кўрсатмасини талаб қиладиган орган ушбу шахснинг ўз функцияларини бажаришига халал етказмаслиги керак. У, имкони бўлган вақтда, бундай кўрсатмаларни мазкур шахснинг уйида ёки консуллик муассасасида эшитиши ёки ундан ёзма кўрсатмаларни қабул қилиб олиши мумкин. Агар консулликнинг мансабдор шахси кўрсатма беришдан бош тортса, унга нисбатан ҳеч қандай мажбур қилиш ёки жазолаш чоралари кўрилиши мумкин эмас.

5.3.3. Консуллик муассасаси ходимлари ўз функцияларини бажариши билан боғлиқ масалалар бўйича кўрсатмалар беришга ёки ўзларининг функцияларига тааллуқли расмий хат-хабарларни тақдим этишга мажбур эмаслар. Улар, шунингдек, ўзлари вакили бўлган давлат қонунчилигини изохловчи кўрсатмалар беришга мажбур эмаслар.

5.4. Консулликнинг штатдаги мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шахсий даромадлар олиш мақсадида бирор-бир касб ёки тижорат фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, ушбу норма бузилган тақдирда уларга нисбатан берилган имтиёзлар ва ушбу Низомда улар учун назарда тутилган дахлсизлик ҳуқуқлари татбиқ этилмайди.

Консуллик муассасаси тегишли бўлган давлат консуллик муассасаси ходимининг ушбу бандда назарда тутилган имтиёзлари ва дахлсизлик ҳуқуқларидан воз кечиши мумкин.

5.5. Консуллик муассасасининг мол-мулкни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиши, шунингдек консулликнинг мансабдор шахсларига божхона имтиёзлари бериш тартиби ушбу Низомнинг 3.11-бандига мувофиқ белгиланади.

Консуллик хизматчиларига ва хизмат кўрсатувчи персонал ходимларига, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган оила аъзоларига божхона имтиёзлари ҳар қайси хорижий давлат билан махсус битим асосида ва улар билан ўзаро дўстлик принциpidан келиб чиққан ҳолда татбиқ этилиши мумкин.

VI. ҚЎШИМЧА ҚОИДАЛАР

6.1. Ушбу Низомда дипломатик персонал аъзолари учун назарда тутилган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари давлатлараро музокараларда, халқаро конференцияларда ва йиғилишларда қатнашиш учун ёки бошқа расмий топшириқлар билан Ўзбекистон Республикасига келишадиган хорижий давлатларнинг вакилларига, хорижий давлатларнинг парламент ва ҳукумат делегациялари аъзоларига, шунингдек уларни кузатиб боровчи ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган оила аъзоларига ҳам татбиқ этилади.

6.2. Худди шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит бўйича ўтувчи хорижий давлатлар вакиллари, хорижий давлатларнинг парламент ва ҳукумат делегациялари аъзолари, шунингдек уларни кузатиб борувчи ва уларнинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлмаган оила аъзолари шахсий дахлсизлик ҳуқуқидан ва уларнинг ўтишини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

6.3. Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга, ушбу ташкилотлар ҳузуридаги хорижий давлатлар ваколатхоналарига, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига бериладиган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланади.

6.4. Ушбу Низомда кўрсатилган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланувчи шахсларга мансублик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланади, 3.18, 3.19 ва 6.1-бандларда кўрсатилган шахслар бундан мустасно.

6.5. Ушбу Низом билан қамраб олинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномалари билан тартибга солиб борилади.